

**Ўзбекистон Республикасида очик маълумотлар соҳасини ривожлантириш  
концепциясида белгиланган вазифаларни 2023 йилда амалга ошириш бўйича  
“ЙЎЛ ХАРИТАСИ”**

Т/р	Тадбирлар номи	Амалга ошириш механизми	Бажариш муддати	Масъул ижрочилар
1.	<p>Очик маълумотлар рўйхатини шакллантириш, тасдиқлаш ҳамда тасдиқланган рўйхат асосида давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари ҳамда уларнинг таркибий ва ҳудудий бўлинмалари, шунингдек, устав фондида (устав капиталида) давлат улуши 50 фоиз ва ундан ортиқ бўлган хўжалик жамиятлари ҳамда давлат унитар корхоналари томонидан очик маълумотлар тўпламларини Ўзбекистон Республикасининг Очик маълумотлар порталида (кейинчалик - Портал) тўлиқ эълон қилиш.</p>	<p>1. Устувор халқаро маълумотлар базалари кўрсаткичлари ва нуфузли хорижий ташкилотлар тавсияларини, шунингдек, фойдаланувчиларнинг таклиф ва эҳтиёжларини инобатга олган ҳолда очик маълумотлар тўпламлари рўйхатини шакллантириш.</p> <p>2. Очик маълумотлар тўпламлари рўйхатини заруратга кўра, бироқ йилига бир мартадан кўп бўлмаган ҳолда қайта кўриб чиқиш ва тасдиқлаш учун Мувофиқлаштириш комиссиясига киритиш.</p> <p>3. Тасдиқланган рўйхат асосида давлат органлари томонидан Порталда очик маълумотлар тўпламларининг жойлаштирилиши ҳамда мунтазам янгилаб турилиши устидан мониторингини олиб бориш ва мониторинг натижаларини Вазирлар Маҳкамасига киритиш.</p>	<p>Заруратга кўра, йилига бир мартадан кўп бўлмаган ҳолда</p> <p>Ҳар чоракда</p>	<p>Давлат статистика қўмитаси, манфаатдор вазирлик ва идоралар</p> <p>Давлат статистика қўмитаси</p>

Т/р	Тадбирлар номи	Амалга ошириш механизми	Бажариш муддати	Масъул ижрочилар
2.	Онлайн режимда умумфойдаланишдаги очик маълумотларни автоматик равишда жойлаштириш учун Портал билан интеграция қилинган ахборот тизимлари ва маълумотлар базалари улушини ошириш.	<p>1. Онлайн режимда умумфойдаланишдаги очик маълумотларни автоматик равишда жойлаштириш учун вазирлик ва идораларнинг маълумотлар базалари билан Портални интеграция қилиш бўйича техник йўриқномаларни ишлаб чиқиш.</p> <p>2. Ишлаб чиқилган техник йўриқномалар асосида вазирлик ва идораларнинг маълумотлар базаларини Порталга интеграция қилиш.</p>	<p>2023 йил давомида</p> <p>2023 йил давомида</p>	<p>Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги, Давлат статистика қўмитаси, манфаатдор вазирлик ва идоралар</p>
3.	Ўзбекистон Республикасини Очик маълумотлар соҳасидаги халқаро нуфузли рейтинглар ва индексларда иштирокини ҳамда ўрнини яхшилаш юзасидан зарур чораларни кўриш.	<p>1. Маълумотларнинг очиклиги, ривожланиш даражаси ва мавжудлиги, жумладан, истиқболли халқаро рейтинг ва индексларда мамлакатнинг мавқеини яхшилаш ҳисобига халқаро майдонда мамлакат обрўсини мустаҳкамлаш бўйича ишлар олиб бориш.</p> <p>2. Мамлакатимизнинг очик маълумотлар соҳасидаги халқаро нуфузли рейтинг ва индексларда ўрнини яхшилаш мақсадида илғор хорижий тажрибаларни ўрганиш ҳамда хорижий мамлакатларда ташкил этиладиган конференцияларда, форумларда, шунингдек, ўқув ва малака ошириш курсларида тегишли мутахассиснинг иштирокини таъминлаш.</p>	2023 йил давомида	Давлат статистика қўмитаси, манфаатдор вазирлик ва идоралар
4.	Open Data Watch халқаро ташкилотининг “Open Data Inventory — ODIN” рейтингда Ўзбекистон Республикаси позициясини яхшилаш.	“Open Data Inventory — ODIN” рейтингда мавжуд бўлмаган индикаторларни халқаро тавсиялар асосида шакллантириш ва қўмитанинг расмий сайти (stat.uz) ҳамда Очик маълумотлар	2023 йил давомида	Давлат статистика қўмитаси, манфаатдор вазирлик ва идоралар

Т/р	Тадбирлар номи	Амалга ошириш механизми	Бажариш муддати	Масъул ижрочилар
		порталида (data.gov.uz) тўлик жойлаштириш ҳамда доимий равишда янгилаб бориш.		
5.	Ўзбекистон Республикасининг Халқаро очик маълумотлар Хартияси билан ҳамкорлигини янада ривожлантириш.	1. Ўзбекистон Республикасининг Халқаро очик маълумотлар Хартияси билан ҳамкорлигини янада кенгайтириш. 2. Халқаро очик маълумотлар Хартияси томонидан ташкил этиладиган конференцияларда, семинарларда, ўқув курсларида иштирок этиш.	2023 йил давомида  доимий равишда	Давлат статистика кўмитаси, манфаатдор вазирлик ва идоралар
6.	Очик маълумотлар асосида дастурий маҳсулотларни ишлаб чиқишни қўллаб-қувватлаш.	Очик маълумотлар асосида дастурий маҳсулотлар ва мобил иловалар ишлаб чиқишни қўллаб-қувватлаш ва тегишли тадбирларни ташкил қилиш.	2023 йил декабрь	Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги, Давлат статистика кўмитаси, манфаатдор вазирлик ва идоралар
7.	Очик маълумотлар соҳасини оммалаштириш бўйича семинарлар, конференциялар, вебинарлар, анжуманлар ва тадбирлар ташкил қилиш ва иштирок этиш.	1. Етакчи халқаро ва маҳаллий экспертларни жалб қилган ҳолда очик маълумотлар бўйича республика ва халқаро конференциялар ҳамда саммитларни ташкил этишни. 2. Очик маълумотлар куни “Open Data Day”ни ўтказиш. 3. Очик маълумотлар ҳафталиги “Open Data Week”ни ўтказиш.  4. Илғор халқаро тажрибадан	доимий равишда   2023 йил март 2023 йил декабрь  алоҳида	Давлат статистика кўмитаси, Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги, манфаатдор вазирлик ва идоралар

Т/р	Тадбирлар номи	Амалга ошириш механизми	Бажариш муддати	Масъул ижрочилар
		<p>фойдаланган ҳолда очик маълумотлар билан ишловчи масъул раҳбар ва ходимларни ўқитишни ташкил этиш.</p> <p>5. Очик маълумотлар бўйича ҳамжамиятни шакллантириш ва Бутунжаҳон Интернет тармоғида очик маълумотлардан фойдаланган ҳолда фаолият юритаётган дастурий маҳсулотлар ва хизматлар бозорини яратиш ва такомиллаштириш мақсадида “Open Data Challenge” ва “Хакатон”каби тадбирларни ташкил этиш.</p> <p>6. Ўтказилган тадбирларни оммавий ахборот воситалари ва ижтимоий тармоқларда кенг ёритиш ҳамда маҳаллий ва хорижий фойдаланувчиларнинг очик маълумотлардан фойдаланишини оммалаштириш.</p>	<p>графика мувофиқ</p> <p>доимий равишда</p> <p>доимий равишда</p>	
8.	<p>Портал фаолияти доирасида сунъий интеллект асосидаги дастурий таъминотда фойдаланиш учун давлат ва бошқа маълумотлар тўпламларини олиш имкониятини тақдим этувчи рақамли маълумотлар платформасида сунъий интеллект соҳасида лойиҳаларни амалга ошириш учун очик шаклда тақдим этиладиган давлат маълумотларини мунтазам ишлашини таъминлаш.</p>	<p>1. Портал фаолияти доирасида сунъий интеллект асосидаги дастурий таъминотда фойдаланиш учун давлат ва бошқа маълумотлар тўпламларини олиш имкониятини тақдим этувчи рақамли маълумотлар платформасида сунъий интеллект соҳасида лойиҳаларни амалга ошириш учун очик шаклда тақдим этиладиган давлат маълумотларини ишлашини мониторинг қилиш ва натижаланири Вазирлар Маҳкамасига киритиш.</p> <p>2. Сунъий интеллект соҳасида</p>	<p>2023 йил Ҳар чорак якуни бўйича</p> <p>2023 йил</p>	<p>Давлат статистика қўмитаси, Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги</p> <p>Давлат статистика</p>

<b>Т/р</b>	<b>Тадбирлар номи</b>	<b>Амалга ошириш механизми</b>	<b>Бажариш муддати</b>	<b>Масъул ижрочилар</b>
		лойиҳаларни амалга ошириш учун очиқ шаклда тақдим этиладиган давлат маълумотларини сонини ошириш юзасидан Вазирлар Маҳкамасига таклиф киритиш.	яқунига қадар	қўмитаси, Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги